O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 24 апрель, чоршанба • №32 (11.420) • Эркин нархда сотилади

## "TIME BUREAU" ЖУРНАЛИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

**Ҳиндистонда чоп этиладиган "Time Bureau" халқаро журнали апрель ойидаги махсус сонини Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларига бағишлади.**




Журналда ўзбек-ҳинд савдо ва иқтисодий алоқалари, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида ранг-баранг материаллар берилган.

"Time Bureau" шу йил 17 январда мамлакатимизда ўтган референдумга алоҳида мақола бағишлаган. "Ўзбекистондаги референдум – демократия намойиши" деб номланган мазкур материалда шундай сатрлар бор: "Референдум шуни кўрсатдики, халқ ўз иродаси ва жамиятда кечаётган жараёнларга бўлган шахсий муносабатини бемалол ифодалай олади. У одамлар тафаккурининг ўзгариши ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигининг янада ошишида муҳим омил бўлди".

Мақолада референдум чет эллик кузатувчилар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида кенг демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошкора руҳда ўтганлиги алоҳида таъкидланган. Унинг муаллифи Ж.Гаутамнинг ўзи ҳам референдумда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган.

Журналда, шунингдек, Термиз шаҳрининг юбилейи, юртимиз маънавий-маданий ҳаётига оид бошқа кўплаб материаллар чоп этилган.

*(ЎзА).*

## НОМДАНАКДА ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ






**Шу йил 16 апрель куни Паркент туманидаги Номданак қишлоғида катта тантана бўлиб ўтди. У Номданак қишлоқ врачлик пунктининг ишга туширилишига бағишланди. Туманнинг чекка ҳудуди ҳисобланган бу қишлоқ аҳолиси илгарилари тиббий кўмакка муҳтож бўлса 15 километр йўл босиб, туман марказига келишга мажбур бўлишарди.**

Энди эса қишлоқ врачлик пунктида ички касалликлар, болалар шифокори, акушер-гинеколог, тиш касалликлари бўйича шифокорлар қабул қиладилар. Шунингдек, ташҳис қўйиш учун лаборатория ҳамда амалий ёрдам учун физиотерапия бўлимлари иш бошлади. Бундан ташқари беш ўринли кундузги ўринлар мавжуд бўлиб, беморлар малакали тиббий ёрдам олишлари учун имконият яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Номданак қишлоқ врачлик пункти қурилиши қисқа вақт ичида, яъни бир йил мобайнида вилоят капитал қурилиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилди. Бу қурилишга 67 миллион сўм маблағ сарфланди. Ушбу хайрли ишни тез ва соз амалга оширишда капитал қурилиш бошқармасидан Абдужаббор Хамидов, Қизил тоғ қурилиш монтаж бошқармаси бошлиғи Ирина Савицкаяларнинг хизматлари катта бўлди.

Янги, замонавий қишлоқ врачлик пунктининг тиббий асбоб-анжомлари билан жиҳозлаш учун эса 10 миллион сўм сарфланди. Бу тиббий жиҳозларнинг ҳаммаси янги. Замон талабига жавоб бера олади.

Қишлоқ аҳолиси соғлиғини муҳофаза қилиш учун бунёд этилган бу шифо масканини кириб кўрганлар ниҳоятда мамнун бўлмоқдалар.

***Ўз мухбиримиз.***

*СУРАТЛАРДА: қишлоқ врачлик пункти; муолажа пайти.*

***Зиёвуддин ХОЛИҚОВ олган суратлар.***

## Маҳалла – фуқаролик жамияти асоси

***Мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларини эркинлаштириш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларни ривожлантиришнинг конституциявий асосларини ўрганиш катта аҳамият касб этади.***

Ваҳоланки, бундай тадқиқотлар уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги ҳуқуқларини кенг амалга ошириш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти томонидан тайёрланган "Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятининг конституциявий асослари" номли китобни жамият бошқарувини амалга оширишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш, жойларда мамлакатимиз Асосий қонунининг "Халқ ҳокимиятчилиги" деб номланган II бобини кенг татбиқ этиш бўйича муҳим қўлланмалар сирасига киритиш мумкин.

Мазкур китоб илмий ходимлар, ўқитувчи ва талабалар, шунингдек, кенг китобхонларга мўлжалланган.

*(ЎзА).*

## БРЕМЕНДА НАВРЎЗ КЕЧАСИ

**ГФРнинг Бремен шаҳрида Ўзбекистон ва Германия ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганининг 10 йиллиги, Бременда тузилган Германия - Ўзбекистон жамияти тузилганига 2 йил тўлиши ҳамда Наврўзи оламга бағишланган Ўзбекистон кечаси бўлиб ўтди.**

Мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси Бремен федерал ўлкаси Ички ишлар, маданият ва спорт вазирлиги, Бремен Савдо палатаси, Германия-Ўзбекистон Бремен жамияти, Бремен пахта биржаси ҳамда Бремен университети билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда Бремен парламенти, давлат ва жамоат ташкилотлари, ишбилармон доиралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ҳамда Ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.

Бремен Савдо палатаси президенти Б.Весселс, Ички ишлар, маданият ва спорт вазири ўринбосари, Германия - Ўзбекистон Бремен жамиятининг президенти Э.Мочманн ҳамда Ўзбекистоннинг Германиядаги элчиси В.Норов табрик нутқлари тадбир иштирокчилари томонидан қизғин кутиб олинди.

Б.Весселс ўз чиқишида Ўзбекистонлик шериклар билан транспорт-экспедиторлик хизмати, автомобилсозлик, электроника ишлаб чиқариши, аэрокосмик технология, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш сингари соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан ҳар икки томон бирдек манфаатдор эканлигини таъкидлади.

***«Жаҳон»АА.***

## ТРАСЕКА – ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ЛОЙИҲА

**24-26 апрель кунлари Тошкентда ТРАСЕКА ҳукуматлараро комиссиясининг иккинчи конференцияси бўлиб ўтади.**

ТРАСЕКА лойиҳаси бўйича Асосий кўп томонлама битимнинг иштирокчи давлатлар транспорт вазирларининг ана шундай биринчи форуми 2000 йил Тбилисида бўлиб ўтган эди.

Қайд этиш керакки, ТРАСЕКА (Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлаги) лойиҳаси ТАСИС дастури доирасида Европа Иттифоқи томонидан ишлаб чиқилган ва у транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, кўҳна Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш асносида Европани Марказий Осиё минтақаси билан боғлашга даъват этилган.

Ушбу халқаро лойиҳа ўзининг 1993 йили Брюсселда бошланган тикланиш ва ривожланиш тарихига эгадир. Ўшанда, Европа Комиссияси шафеълигида ўтказилган халқаро конференцияда ТРАСЕКА дастурини яратиш ғояси таклиф этилган эди. Форум 8 мамлакат – Арманистон, Озарбойжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ҳамда Ўзбекистон савдо ва транспорт вазирлари иштирокида ўтганди. Томонлар Европанинг ғарбий-шарқий йўналиши бўйлаб Кавказ ва Каспий денгизи орқали Марказий Осиёга олиб борувчи транспорт йўлагини ривожлантириш дастурини биргаликда рўёбга чиқаришга келишиб олган эди.

ТРАСЕКА ҳукуматлараро комиссиясининг доимий котибияти ҳузурида 4 ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, улар Асосий кўп томонлама битимнинг иштирокчи давлатлари миллий котибларини ўз ичига олган. Бундан кўзланган мақсад дастурдаги асосий жиҳатларни – савдо, автомобил йўли, темир йўл ва денгиз транспорти соҳаларидаги йўналишларни амалиётга татбиқ этишдир.

Шунингдек, Боку шаҳрида ТРАСЕКА ҳукуматлараро комиссиясининг доимий котибияти ҳам фаолият кўрсатади.

ТРАСЕКА Дастури Европа ҳамжамияти Комиссиясининг маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Дастурни амалга ошириш бошланганидан бери 46та лойиҳа ишлаб чиқарилган. Улардан 33таси техникавий кўмаклашиш, 13таси эса инфратузилмалар яратилишини кўзда тутадиган сармоявий лойиҳалардир. Умумий маблағ 99,6 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирнинг ўзидаёқ 50 мамлакатнинг юклари ТРАСЕКА транспорт йўлаги орқали манзилга етказилмоқда. Мазкур лойиҳани рўёбга чиқаришда иштирок этишдан манфаатдор бўлган давлатлар сони ҳам тобора ошиб бормоқда.

***С. ҚУРБОНОВ.***
***"Жаҳон" АА.***

## Туман кенгаши сессияси

**Шу йил 20 апрель куни халқ депутатлари Оҳангарон тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.**

Туман ҳокими бўлиб ишлаб келган Улуғбек Иброҳимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан эгаллаб турган вазифасидан озод этилди.

Сессияда Туроп Холтоев Оҳангарон туман ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов сўзга чиқди.

**Умид ниҳоллари – 2002**

## КАТТА СПОРТГА ЭЛТУВЧИ МАШЪАЛА

Ҳар сафар айнан Паркент туманида ёқилиб, мусобақалар мезбони бўлган воҳаларга йўл олаётганидан вилоятимиз аҳли ҳар қанча фахрланса арзийди

Бу йил ўтказилаётган Ўзбекистон Республикаси мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари бутун мамлакатимиз ёшларининг оммавий байрамига айланиб кетди, десак муболаға бўлмайди. Минглаб ўғил-қизлар иштирок этаётган ушбу қизиқарли спорт беллашувларига кичик олимпиада ўйинлари дея таъриф берилаётгани ҳам маълум маънода ўринлидир. Зеро, бир неча шаҳар ва туманлардаги ҳар томонлама мукаммал спорт майдонларида юксак савияда ўтказилаётган ушбу мусобақаларда мустақил Ўзбекистонимиз довруғини бутун дунёга ёядиган бўлажак олимпиадачилар иштирок этаётганига шубҳа йўқ.

Мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг дунёда бетакрор «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг машъаласи куни кеча сўлим Паркент туманининг тоғли минтақасида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш марказидаги махсус қурилмалар ёрдамида бевосита қуёш нуридан аланга олдирилди. Ушбу тантанали маросимда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган энг иқтидорли, илмга чанқоқ, аълочи ўқувчилар иштирок этдилар.



Машҳур спортчилар қўлидан «Умид ниҳоллари» мусобақалари машъаласини қабул қилиб олган ёшлар бу йилги спорт байрамига мезбонлик қилаётган Фарғона вилоятига йўл олдилар. Шу куни соат 12.30да машъала Ангрен шаҳрига етиб келди. Шу муносабат билан «Кимёгар» ўйингоҳида бўлиб ўтган кўпминг кишилик тантанали митинг чоғида сўзга чиққанлар вилоятимиз вакилларига олтин водий шаҳарларида бўладиган спорт беллашувларида муваффақиятлар тиладилар. Спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг қўшиқ ва рақслари тантанали митингга оммавий байрам тусини берди.

Шундан сўнг ёшларнинг спорт ўйинлари машъаласи махсус белгиланган йўналиш бўйича манзиллар оша гўзал водий сафарини давом эттирди. Фарғоналиклар эса, мамлакатимизнинг эртанги умидли спортчиларини хушҳоллик ва интиқлик билан кутмоқдалар. Мусобақалар ўтказиладиган Фарғона ва Марғилон шаҳарлари, Қиргули ва Фарғона туманларида бўлажак олимпиадачиларни нафақат қизғин спорт беллашувлари, балки, сўлим водийнинг кўнгилочар жойлари, тарихий обидаларига сайру саёҳатлар, театрлаштирилган томошалар, махсус концерт дастурлари ҳам кутмоқда. 48та яп-янги «Отайўл» автобуси ва 20та «Дамас» микроавтобуси уларнинг хизматида бўлади.

«Умид ниҳоллари»нинг Фарғонада бўлиб ўтадиган финал мусобақаларига вилоятимизда ҳам жиддий тайёргарлик кўрилди. Ушбу мусобақаларнинг дастлабки босқичида юзминглаб ўқувчилар иштирок этдилар. Шаҳар ва туманлар миқёсидаги сўнгги босқич беллашувлари ҳам юқори савияда ўтказилди. Ва ниҳоят энг иқтидорли ва умидли 157 кишидан ташкил топган Тошкент вилояти терма жамоаси Фарғонага йўл олди. Улар асосан вилоят мусобақаларининг якунловчи босқичида ғолиб чиққан ва совринли ўринларни олган спортчилардан иборат.

Вилоятимиз терма жамоаси раҳбарларидан бири, «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Марат Шокировнинг таъкидлашига қараганда, вакилларимиз эртага Фарғонада тантанали суратда очиладиган мактаб ўқувчиларининг республика мусобақаларида фақат медаллар учун кураш олиб боришга чоғланишган. Биз ҳам уларга омад ва ғалаба тилаймиз!

***Самад ЙЎЛДОШ.***

**Яна пайҳон ҳақида**

## ҲАР БОШОҒИ БОЙЛИК

Уни асраб-авайлаш эса бурчимиздир

Айни шу кунларда буғдойзорлар яшил тусга кириб, бошоқ кўриниб қолди. Бу ризқимиз бутун, юртда маъмурчилик бўлишидан нишона. Аммо орамизда айни барака тимсоли — доннинг қадрига етмаётганлар, ҳали ҳосил даладалигидаёқ исроф қилаётганлар, биргина қорамол қорнини тўйғизаман деб, ризқимизга оёқ қўяётганлар учраши ташвишланарлидир. Вилоят ички ишлар ходимлари экин майдонлари пайҳон бўлишининг олдини олиш юзасидан ўтказишаётган тадбирлар чоғида бундай воқеалар кўплаб учрамоқда.

Кўрилаётган чораларга қарамасдан шу кунга қадар чорва моллари томонидан 200 гектарга яқин экин майдонларини пайҳонлаш ҳоллари юз берди. Ғаллазорларга 4 миллион 277 минг 226 сўмлик зарар етказилганлиги аниқланиб, чорва эгаларидан ундирилди.

Айниқса, Бекобод, Чиноз, Янгийўл, Қуйичирчиқ туманларида ғаллазорларни энг кўп пайҳонлаш ҳолатлари қайд этилди.

Биргина Қуйичирчиқ туманидаги «Меҳнатобод» ширкат хўжалиги аъзоси Муҳиддин Шокировга тегишли қорамол хўжаликнинг 6-бўлими далаларидаги буғдойзорни тепкилаб юрган пайтда ички ишлар ходимлари томонидан ушлаб олиниб, етказилган 4123 сўмлик зарар қопланган ва қорамол эгасига 2350 сўм жарима солинди. Шу туманнинг Ҳамза номли ширкат хўжалигида яшовчи Бахтиёр Бикировнинг икки бош қорамоли ҳам экинни пайҳон қилган ва 5145 сўмлик зиён етказган. Ўз чорвасига беэътиборлигини у жарима тўлаш билан қоплади.



Вилоят ички ишлар ходимлари томонидан қаровсиз қолдирилаётган қорамоллар, чорва боқиш масъулиятини ҳис этмаётган шахслар, пайҳон қилинаётган буғдойзорлар кўплаб аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Мақсад битта — инсон ризқи бўлган донни мўл етиштиришга кўмаклашиш, эл дастурхонини тўкин қилишдир.

Лекин шунга қарамай зиммаларидаги масъулиятни ҳис этмаётган фуқаролар ва масъул шахсларнинг учраётганлиги ачинарлидир. Наҳотки улар ўз масъулиятсизликлари билан халқ ризқ-рўзига катта зиён етказаётганликларини тушунмасалар.

Истардикки, ҳар биримиз пишиб етилаётган бошоқлардаги ҳосилни асраб авайлашга ҳисса қўшайлик. Бу бизнинг бурчимиздир.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ.***

Асосий қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ




**49-модда. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.**

Фуқароларнинг Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш мажбурияти турли хил шаклларда намоён бўладиган моддий ва маънавий қадриятларни, тарих ва маданият ёдгорликларини авайлаб-асрашга қаратилган хулқ-атворни олдиндан белгилаб беради.

Мазкур мажбурият ўтмишда авлод-аждодларимиз томонидан яратилган тарихий, маънавий ва маданий бойликларни фақат авайлаб-асраш заруриятинигина эмас, балки, янада муҳимроғи, уларни кўпайтиришни ҳам шарт қилиб қўяди.

Ўзбекистон фуқароларининг ўз халқи тарихига нисбатан ҳурматда бўлиши, уни авайлаб-асрашга мажбурлиги тўғрисидаги қоиданинг Конституцияга киритилиши муҳим ижтимоий-маънавий аҳамиятга эга. Тарихга тўғри баҳо бермасдан туриб, бугунимиз ва келажагимиз ҳақида ўйлаш мумкин эмаслиги бу ҳаммамизга аён бўлган ҳақиқатдир. Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масаласига истиқлол шарофати билан янада кўпроқ эътибор берила бошланди.

Давлат тарихий ва маданий обидаларни муҳофаза қилиш бўйича бутун тадбирлар мажмуини амалга оширмоқда. Бу уларни ҳисобга олишни ташкил қилиш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назорат этиш, ёдгорликларни йўқ қилиш, бузиш ва шикаст етказишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, шунингдек, тармоқ қонунларида тарихий, маънавий ва маданий қадриятларни сақлаш бўйича мажбуриятларини бузаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, юридик шахслар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг жавобгарлигини белгилаб қўйиш ҳамдир.

Маданият ёдгорликлари ижтимоий, иқтисодий тараққиётнинг турли даврларига ва кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга алоқадор бўлиб, буларга: қалъа, девор, мозор, бино, сув иншооти, ибтидоий одамлар яшаб турган макон, тошга, ёғочга, тери ва қоғозга ёзиб қолдирилган асарлар, ибтидоий санъат обидалари, уй-жой анжомлари, тарихий шахсларга атаб қўйилган ҳайкал ва китоблар, тарихий воқеаларни эслатиб турувчи орден ва медаллар, қадимги пуллар каби ашёлар киради.

Тарихий, маънавий ва маданий меросни авайлаб-асрашга доир Қоидаларни бузганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 64-моддасида тарихий ёки маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини қасддан бузиш фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваргача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Башарти шахс давлат муҳофазасига олинган тарихий ва маданий ёдгорликларни қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказишни шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такрорий равишда содир этган бўлса, у ҳолда унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 132-моддаси 1-қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача бўлган миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача муддатга қамоқ жазоси билан жазолаш белгиланади. Башарти, бу ҳаракатлар натижасида кўп миқдорда, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз баравари ва ундан кўп миқдорда шикаст етказилган бўлса, бундай ҳолда шахс олдин маъмурий жазога тортилган-тортилмаганлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 132-моддаси 2-қисмига асосан жиноий жавобгарликка тортилади. Бундай қилмишлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Тарихий, маънавий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш мақсадида фуқаролик-ҳуқуқий чоралар ҳам қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 190-моддасига мувофиқ агар мулкдор ўзига қарашли бўлган тарихий ва маданий ёдгорликларга хўжасизларча муносабатда бўлса, унинг яхши сақланишини таъминламаса, зиммасида ёдгорликларни сақлаш вазифаси бўлган давлат органлари мулкдорни ёдгорликка хўжасизларча муносабатда бўлишини тўхтатиш тўғрисида огоҳлантирадилар. Агар мазкур огоҳлантириш натижа бермаса, бундай ҳолларда суд тегишли органларнинг даъвосига биноан ёдгорликни олиб қўйиш ҳақида қарор чиқариши мумкин ва бу ёдгорлик давлат тасарруфига ўтади.

Юқорида қайд қилиб ўтилганларни эътиборга олган ҳолда хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шарҳланаётган ушбу модданинг туб мазмуни ҳар бир фуқаронинг зиммасига авлод-аждодларимиз яратган маънавий ва маданий меросни ҳамда маданий ёдгорликларни ҳар томонлама авайлаб асраш ва уларни муҳофаза қилиш масъулиятини юклашдан иборат.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.***



Янгийўл шаҳрида тадбиркор Маҳфуза Исоқованинг саъй-ҳаракати билан янги озиқ-овқат ва саноат моллари дўкони ишга туширилди. Унда олти юздан ортиқ турли маҳсулотлар сотувга қўйилган.

***СУРАТДА:** (чапдан ўнгга) Маҳфуза Исоқова хизмат пайтида.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

Ташаббус

# ЯНГИ ХИЗМАТНИ АФЗАЛ БИЛМОҚДАЛАР

**Бекобод шаҳрининг Охунбобоев номли маҳалласи учун кўпдан буён чиқинди масаласи муаммо бўлиб келаётган эди. Маҳалланинг хўжалик чиқиндилари, мол-ҳолнинг гўнги ҳам яқиндаги канал бўйига тўкилаверарди. Уларни олиб кетиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди. Бу эса ўтган-кетганнинг дилини хира қиладиган ҳолга келди.**

Маҳалла оқсоқоли Абдимўмин Жўраев унга ечим топди. Маҳаллада яшовчи Равшан Мамажоновнинг хусусий «ЗИЛ» автомашинасини аҳолидан йиғилган маблағ ҳисобидан тўла таъмирдан чиқаришда ва икки кишини унга бириктириб, тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашди.

Ҳозирда бу уч азамат маҳалланинг ободончилиги, орасталиги учун иш олиб бормоқда. Бу ерда 21та кўча бўлиб, 800та хонадон истиқомат қилади. Ҳақ тўлаш ҳам аҳолига унчалик малол келаётгани йўқ. Ҳар бир кишига бир метр куб чиқинди учун эллик сўмдан қилиб белгиланган.

Муқимий маҳалласи аҳли ҳам бу тажрибани ижобий натижа бераётганини кўриб, улар ҳам чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун Р.Мамажонов билан шартнома тузди.

Шу ерда бир савол туғилиши табиий. У ҳолда шаҳар коммунал хизмат бошқармаси нима иш билан шуғулланаяпти?

– Бу борадаги ишлар фақатгина бошқармага боғлиқ бўлган муаммо эмас, – дейди шаҳар коммунал хизматдан фойдаланиш бошқармаси раиси Ш.Ҳамробоев. – Гап шундаки, шаҳримизда ҳар бир уйга техник хизмат кўрсатувчи ширкатлар тузилганига икки йилдан ошиқроқ вақт бўлди. Улар ободончилик ва тозаликка ҳам масъулдирлар. Шунинг учун ҳам биз билан шартнома тузишлари керак. Аммо, негадир ушбу ширкат ташкилотларида дадиллик етишмаётгандек. Хозигача бор-йўғи «Фарғона», «Баҳром», «Самарқанд» ва «Пахтакор» сервис хизмати ташкилотлари шартномалар тузган, холос. Қолган ташкилотлар келишув асосида иш олиб боришга шошилмаяптилар.

Яна бир муаммо ҳам кўндаланг бўлиб турипти. Айрим ташкилотлар шартнома тузадилар, аммо унинг шартларини бажармайдилар. Масалан, ўз вақтида пул ўтказиш масаласи кўп ҳолларда пайсалга солинади. Натижада коммунал хизматлар бошқармаси ходимлари чиқиндиларни олиб чиқиб кетишни тўхтатишга мажбур бўлади. Бу эса уларга нисбатан аҳолида ишончсизлик туғилишига сабаб бўлмоқда ва кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ тўлашни истамаяптилар.

Бундай ҳолларда улар Р.Мамажонов сингари хусусий тадбиркорлар хизматига мурожаат қилишни афзал билмоқдалар. Бошқа маҳаллаларда ҳам тажрибани оммалаштириш тарафдори бўлмоқдалар.

Хизмат ҳақларида деярли фарқ йўқ, бошқарма томонидан ҳам ҳар бир киши учун бир метр куб чиқиндига эллик сўм, ташкилотлар учун эса 1 минг юз сўм қилиб белгиланган. Аммо мижозлар кейинги пайтда уларга ишонмай қўймоқда. Сабаби эса битта, у ҳам бўлса техник хизмат кўрсатувчи ширкатлар масъулиятни ҳис этмаётганлари, мажбуриятни бажармаётганликларидир.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

Қарор ва ижро

# БОЙЛИКНИ ТЕЖАШНИ ҲАМ БИЛИШ КЕРАК

**Иқтисодиётимизнинг ривожи кўп жиҳатдан энергетика ресурслари, хусусан, газдан тежамкорлик билан фойдаланишга боғлиқ. Афсуски, кейинги йилларда масаланинг мана шу жиҳатига етарлича эътибор берилмаяпти. Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган йиғилишидаги маърузасида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтгани бежиз эмас.**

Айтиш жоизки, қазиб олинаётган газнинг талайгина қисми аҳоли истеъмоли учун сарфланади. Бугунги кунда аҳоли меъёрдагидан 1,5-2 баравар кўп газ истеъмол қилаётгани аниқланган. Боз устига, кўплаб иссиқхоналар газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланган. Шу боис уй-жой фондини газ ўлчагичлар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг март ойида "Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" ва "2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилинди.

Мазкур қарорларда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида "Ўзтрансгаз" акционерлик компаниясининг "Ўзгазсотиш" шўъба унитар корхонаси тугатилиб, унинг вазифалари "Бошкоммунгаз" зиммасига юкланди.

Табиий газ ҳажмларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича масъулиятни ошириш мақсадида ижтимоий соҳа объектларига ҳамда ўрта ва кичик бизнес билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорларга газдан фойдаланиш учун рухсатномаларни бериш эса бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг зиммасига юклатилди. Номлари зикр этилган қарорларда газлаштирилган барча аҳоли турар жойларини газ ҳисоблаш ускуналари билан тўлиқ таъминлаш белгиланган. Бугунги кунда республикамизда газ ўлчагич мосламалари ўрнатилиши керак бўлган 3,5 миллиондан ортиқ истеъмолчи рўйхатга олинган. Ҳозир мамлакатимизда газ ўлчагич ишлаб чиқаришга ихтисослашган олтита корхона ишлаб турибди.

Айни пайтда соҳага чет эл инвестициялари жалб этилаётгани айни муддаодир. Шу мақсадда ХХР ҳукуматининг 15 миллион АҚШ долларилик, Хитой Эксимбанкининг 30 миллион АҚШ долларилик, Испания ҳукуматининг 100 миллион еврога тенг кредити ҳисобига яқин ўртада четдан газ ўлчагич мосламалар келтирилади.

***Олим НОРБЕКОВ,***
***ЎзА мухбири.***

Амалий семинар

# НЕМИС ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ АНЖУМАНИ

**Пойтахтимизнинг Мирobод туманидаги 60-мактабда немис тили ўқитувчилари иккинчи республика анжумани бошланди.**

Тадбир Тошкентдаги Гёте институти, Германия академик алмашинувлар хизмати – DAAD, шу давлатнинг хорижий мамлакатлар мактаблари билан шуғулланувчи маркази ташаббуси ҳамда Германия Федератив Республикаси, Швейцария конфедерациясининг юртимиздаги элчихоналари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари кўмагида ташкил этилди.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари, олий ўқув юртларидан келган 250 нафардан зиёд немис тили ўқитувчиси иштирок этаётир.

Уч кун давом этадиган тадбир доирасида немис тили ўқитувчилари малакасини янада ошириш бўйича амалий семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, мунозаралар бўлиб ўтади. Унда ўзбекистонлик муаллимлар билан бирга германиялик ўқитувчилар, тилшунослар, мутахассислар ҳам қатнашади.

***Назокат УСМОНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

***"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриётида Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими Азим Ҳожиев томонидан тайёрланган "Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати" нашр этилди.***

## Тилшунослик бўйича изоҳли луғат

1700 га яқин сўзни ўз ичига олган янги нашрда, асосан, мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари дарсликлари ва қўлланмалари, шунингдек, тилшуносликка оид илмий ишларда учрайдиган атамалар қамраб олинган.

***ЎзА.***

Таҳририятга мактуб

# АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги Фармонига асосан коммунал тўловларни тўлашда маҳалла қўмиталарининг ролини ошириш чоралари кўрилмоқда.**

Бундай хизматлар учун уларни рағбатлантириш ҳам кўзда тутилди. Чунончи, газ учун тўланадиган тўловларни ўз вақтида тўлиқ йиғиб олиш таъминланган тақдирда тўпланган маблағнинг 20, 75 фоизи тўпланса — 10 фоизи маҳалла тасарруфига ўтади. Бу маблағдан кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маҳаллани ободонлаштириш ва фаолларни рағбатлантириш учун фойдаланиш мумкин.

Шу Фармондан келиб чиқадиган имконият ва вазифаларни маҳалла қўмитамизнинг навбатдан ташқари йиғилишида муҳокама қилдик. Бамаслаҳат фойдаланилган газ учун тўловни маҳалламиз аҳлидан ўзимиз йиғиб топширишга қарор қилиб, бунинг учун II гуруҳ ногирони Мирқобил Асқаровни масъул этиб белгиладик. Уни шартнома асосида ишга қабул ҳам қилдик. Мана, бир йилдан ошдики, Мирқобил Асқаров шу соҳада фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг саъй-ҳаракати билан маҳалла 2001 йил февраль ойида коммунал тўловни 106 фоиз қилиб бажарди. Натижада газ идораси маҳалла қўмитасининг жорий ҳисоб рақамига тегишли маблағни ўтказиб берди. Шунинг ҳисобига маҳалла қўмитаси 20 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам тариқасида 121 минг сўмдан кўпроқ миқдордаги коммунал тўловни тўлади. Кейинги ойда газ учун тўловларнинг ундирилиш даражаси 104 фоизга етди. Ўз навбатида коммунал тўловлар ҳисобидан 28 оилага 130 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Апрель ва май ойларида ҳам ёқилган газ учун тўловлар ундирилди. Икки ойда маҳалла қўмитаси 25 та хонадонга моддий ёрдам кўрсатди.

Бундан газ идораси ҳам, маҳаллаю кам таъминланган оилалар ҳам манфаатдорлиги ишга алоҳида жонланиш бағишлади. Мирқобил Асқаров ҳам янада зўр ғайрат билан ишлай бошлади. Нима бўлдию июнь ойидан бошлаб маҳалламиз коммунал тўловларни бажарганлиги эълон қилинмоқда, лекин тушаётган маблағнинг бизга тегишли қисмини жорий рақамимизга ўтказиб бериш пайсалга солинмоқда. Бир томонда, шартнома асосида иш юритаётган ходимимиз Мирқобил Асқаровга ойлик хизмат ҳақларини вақтида тўлай олмаяпмиз. Иккинчи томондан, маҳалламиздаги кам таъминланган хонадонлар моддий ёрдамсиз қолаяпти.

Коммунал тушумлардан маҳалламиз ҳиссасини талаб қилсак, туман газ идораси вилоят бошқармасига айб тўнкайди. Вилоят эса, қўлини бигиз қилиб, туман газ идорасига имо қилади. Бундай сансалорлик қачонгача давом этар экан? Ёки ваъдабоз раҳбарлар бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури, деб юраверишадими?

***Баҳодир МИРЗАҲОЖИЕВ,***
***Тошкент туманидаги Раҳбаробод маҳалла фуқаролар йиғини раиси.***

# «SHARQ ZIYOKORI» ОАЖ

**Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2002 йил 24 май куни соат 11.00да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй, «Шарқ» НМАКнинг мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.**

Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганлар рўйхати акциядорларнинг 2002 йил 24 апрель ҳолатигача бўлган реестри маълумотлари бўйича тузилган.

**Кун тартиби:**

1. 2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ҳақида ҳисобот ва уни тасдиқлаш.
2. Тафтиш комиссияси далолатномасини ва аудиторнинг 2001 йил бўйича хулосасини тасдиқлаш.
3. 2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича олинган фойдани тақсимлаш, акциялар бўйича дивидендларни ажратиш ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2002 йил аудиторини тасдиқлаш.
5. Кузатув кенгаши таркибидаги ўзгаришларни тасдиқлаш.

Акциядорларнинг ёнларида паспортлари бўлиши керак. Рўйхатга олиш 9.00да бошланади.

Маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 136-57-78, 136-55-30.

***«SHARQ ZIYOKORI» ОАЖ кузатув кенгаши.***



# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЧЕГАРАЛАРАРО БИОХИЛМАХИЛЛИКНИ САҚЛАШ ЛОЙИҲАСИ

**Кичик Грантлар Дастурини (КГД) амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон мамлакатларига Ғарбий Тянь-Шань тоғларининг биохилмахиллигини сақлаш учун Марказий Осиё Чегаралараро лойиҳаси асосида Глобал Экологик Фонддан 10,15 миллион АҚШ доллари ажратилди.**

**Бу лойиҳанинг асосий мақсади – Ғарбий Тянь-Шань тоғларида ноёб, табиий биохилмахилликни сақлаб қолишга ёрдам кўрсатиш. Жаҳон банки ушбу лойиҳани молиявий таъминловчи агентлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси лойиҳани ижрочиси сифатида белгиланган.**

**Ушбу лойиҳа доирасида Кичик Грантлар Дастури ишлаб чиқилди.**

**Кичик Грантлар Дастурининг асосий мақсади маҳаллий жамоаларни Ғарбий Тянь-Шаннинг ноёб биологик жамоаларини сақлаш ва кўпайтиришга кўмаклашадиган, табиатдан барқарор фойдаланиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал қилишга кенг жалб этиш ҳисобланади.**

**Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Чотқол қўриқхонаси атрофида жойлашган Заркент, Сўқоқ, Навдак, Невич, Санганак қишлоқлари аҳолиси манфаатлари учун грантлар биринчи навбатда берилади.**

**Юқорида кўрсатилган қишлоқлар аҳолиси ва шу қишлоқларда фаолият кўрсатаётган маҳаллий жамоат ташкилотларидан ташқари Давлат рўйхатидан ўтган ва Тошкент вилоятида ҳамда республика миқёсида фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотлари ҳам грант олиш ҳуқуқига эгадирлар.**

**Кичик грантлар асосан қуйидаги ишларни бажаришга ажратилди:**

- кичик ирригация шаҳобчаларини қуриш ва тиклаш, яйловларнинг ва ерларнинг унумдорлигини ошириш;
- боғ ва токзорлар, кўчатхоналар ташкил қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва озуқа-ем ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш;
- доривор ва озуқабоп ўсимликларни ўстириш, қайта ишлаш;
- туризмни ривожлантириш;
- асаларичиликни ривожлантириш;
- экологик таълим ва тарбия ишларини яхшилаш;
- электр қуввати ва иссиқлик билан таъминлашнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиш;
- маҳаллий ҳунармандчиликни ривожлантириш;
- ноёб ҳайвонларни кўпайтириш ва сотиш, балиқ ўстириш;
- юқорида кўрсатилган ишларни амалга оширишда аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш.

Кичик грантлар 1000 АҚШ долларидан 10.000 АҚШ долларигача берилади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Республика табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошидаги Кичик Грантлар Дастури котибияти, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7. 615-хона.

***Телефонлар: 41-51-32, 144-25-99.***
***Факс: 144-78-31.***
***e-mail: uzpiu@online.ru***

